Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2011-yil, 12-aprel. Seshanba • 45 (31.321) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Тошкентдаги Турин политехника университетида машинасозлик технологиялари, автомобилсозлик, саноат ва хўжалик қурилиши каби қатор соҳалар учун мутахассислар тайёрланмоқда.



Мамлакатимиз маҳаллаларида хайрли ташаббусга қўл урилди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига ҳар бир фуқаро 20 тупдан кўчат ўтқазмоқда.



Бугун республикамизда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 3 минг 200 та Қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) фаолият кўрсатмоқда.



2011 йилда қишлоқларни ободонлаштириш дастурига кўра, 357 та массивда камида 7 минг 400 та уй-жой қуриш мўлжалланмоқда.

## Фаол ва изланувчан журналистлар танлови



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур йиғилишда «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлаш ва ахборот олишга доир конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш, медиа соҳасини тубдан ислоҳ этиш, давр руҳи ва талаби асосида янада ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда журналист кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, меҳнатини рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари илҳомлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар йили 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни арафасида журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин далилидир. Бу йилги ижодий беллашув мамлакатимиз тарихидаги буюк сана — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтказилмоқда. Зеро, истиқлол, унинг она юртимиз, халқимиз ҳаётидаги, барча фуқаролар тақдиридаги ўрни ва аҳамияти ҳар бир қаламкаш ижодида алоҳида ўрин тутади.

Танлов телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади.

Йиғилишда таъкидланганидек, танлов иштирокчилари ва улар томонидан тақдим этилган материаллар сони йил сайин ортиб бормоқда. Агар 2010 йилда V Миллий мукофот учун халқаро танловда 450 нафардан ортиқ журналист 6,7 мингдан зиёд ижодий иши билан иштирок этган бўлса, жорий йилнинг 11 апрель ҳолатига кўра, 550 нафарга яқин журналист ижодий беллашув учун 7,5 мингдан ортиқ материал топширган.

Танловда БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки сингари халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари ҳам ўз мукофотлари билан иштирок этмоқда.

«Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг ғолиб ва совриндорлари Жаҳон матбуот эркинлиги куни арафасида «Туркистон» саройида ўтказиладиган тантанали маросимда эълон қилинади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## АЗМУ ШИЖОАТ, МАРДЛИК ВА ДОНИШМАНДЛИК ТИМСОЛИ









Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ватанимиз бебаҳо тарихи халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, юксак маънавиятидан дарак беради. Заминимиздан етишиб чиққан улуғ зотларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, ҳаёт йўли, тутумлари боқий меросга айланган.

Соҳибқирон Амир Темур – ана шундай буюк боболаримиздан. Улкан салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан бой амалий ва назарий мерос қолдирган, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очган буюк аждодимизнинг ҳаёт йўли бугунги ёш авлод учун катта ибратдир. Амир Темурнинг ўгитлари, чуқур ҳаётий асосга эга фикрлари бугун ҳам ўзининг маънавий салоҳияти, улкан аҳамияти билан алоҳида қадр-қимматга эга.

*(Давоми 3-бетда.)*

## Эътироф

**— «Catalunya» сайёҳлик компанияси вакилиман. Ўзбекистонга хизмат сафари билан келдим. Тошкентни томоша қилар эканман, испаниялик кўплаб сайёҳларни учратдим. Юртдошларим билан суҳбат чоғида мамлакатингиз ва халқингиз ҳақида жуда кўп самимий сўзларни эшитдим. Хусусан, Ўзбекистоннинг тароватли табиати, айниқса, бу ерда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, инсонлардаги самимийлик сайёҳларда катта таассурот қолдириши табиий.**

**Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, юртингизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди. Шуни ишонч билан айта оламанки, Испанияда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон каби шаҳарларни кўришга орзуманд кишилар ғоят кўп. Истагим — мамлакатларимиз ўртасидаги сайёҳлик соҳасидаги алоқалар бошқа жабҳалар каби изчил ривожланаверсин.**

**Октавио УЭРТА,**
***(Испания)***

**— Касбим иқтисодчи бўлсада, санъатга жуда қизиқаман. Қайси давлатга бормай, ўша мамлакат миллий чолғу асбобини эсдалик учун харид қиламан. Бу ерда ўзбек миллий чолғу асбобларидан бири — доира сотиб олдим. Тан олиш керак, ўзбек миллий куй-қўшиқлари, бетакрор наволари бугун дунё халқларини ўзига оҳанрабодек мафтун этмоқда. Ўзбекона рақс ўзига хослиги ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Дилларни ошуфта қилувчи ўзбек санъатига меҳрим жуда баланд.**

**Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат асосига қурилган икки томонлама алоқаларимиз янада ривож топишига ишонаман.**

**Рашад МАГИД,**
***(Саудия Арабистони)***

**— Юртингиз ҳар бир фаслда гўзал ва мафтункор. Пойтахтингизда икки йил аввал бўлган эдим. Ўтган қисқа вақтда бу ерда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрдим. Ўшанда олтин куз Тошкентга ўзгача жозиба бахш этганининг гувоҳи бўлганман. Шаҳрингизга бу гал келганимда баҳорнинг илиқ тафти уфуриб турганини ҳис этдим. Янгиланиш ва яшариш фаслининг юртингиз чиройи билан уйғунлашуви мени қувонтирди.**

**Тошкент бозорларида истаган маҳсулотни топиш мумкин.**

**Айтиш жоизки, кўплаб миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, фаровон, осуда ва тинч-тотув ҳаёт кечираётгани — Ўзбекистонда барча миллатларга кўрсатилаётган улкан эътибордан далолатдир.**

**Ганс БЮРГЕР,**
***(Германия)***

**Мадина УМАРОВА (ЎзА) ёзиб олди.**

### ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

## Тарғибот — фаолиятимизнинг муҳим йўналиши



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши «Президентимиз илгари сурган Концепцияни тарғиб қилиш ва унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаол иштироки» мавзуида ўқув семинар ўтказди.

— Давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг мавқеини кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар зиммамизга катта масъулият юклайди, — деди Избоскан туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Қумрихон Хўжаева. — Бу, фаолиятимизни кескин кучайтиришни, хусусан, электорат билан ишлашнинг замонавий усулларидан кенг ва самарали фойдаланишни талаб этади.

⇨ 2

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## Имкониятлар янада кенгаймоқда



**Олим РАВШАНОВ,**
*Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.*

Мамлакатнинг демократик тараққиётини кўрсатувчи энг муҳим институтлардан бири сайлов тизимининг очиқлигидир. Юртимизда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизим изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Сайловларнинг умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва тамойилларга жавоб берадиган самарали қонунчилик асоси шаклланди. Сайлов ўтказиш амалиётида катта тажриба тўпланди. Шу билан бирга, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари эришган ютуқлар ҳамда миллий хусусиятлардан келиб чиқиб, улар тобора такомиллаштирилиб борилаяпти.

⇨ 2

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 12 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1780,77 | 1 Миср фунти | 282,73 | 1 СДР | 2685,65 | 10 Жанубий Корея вони | 15,55 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2759,94 | 1 Канада доллари | 1765,26 | 1 Туркия лираси | 1116,82 | 10 Япония иенаси | 199,15 |
| 1 БАА дирҳами | 459,15 | 1 Хитой юани | 257,98 | 1 Швейцария франки | 1859,07 | 1 Россия рубли | 59,96 |
| 1 АҚШ доллари | 1686,18 | 1 Малайзия ринггити | 558,52 | 1 Евро | 2406,52 | 1 Украина гривнаси | 211,71 |

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O‘zbekiston havo yo‘llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## КОНЦЕПЦИЯ

**...мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.**

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Имкониятлар янада кенгаймоқда

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Президентимиз илгари сурган Концепцияда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масаласи ҳам ўртага ташланди.

**Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун шарт-шароит ва ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим.**

Одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичига дадил қадам қўйишимизга тўлиқ асос бўлди.

Мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш борасида 2008 йили жиддий ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши, унда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиш муддати 6 ойдан 4 ойга туширилиши, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватлаган сайловчилар имзоси 50 минг ўрнига 40 минг қилиб белгиланиши, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сонининг ортиши, сайловчилар билан учрашувларни ҳар бир партия мустақил ўзи ташкил этиши, ваколатли вакил институтининг киритилиши ва унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда, имзо варақаларини тузишнинг тўғрилигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилиши партияларга кенг имкониятлар яратиб, миллий сайлов тизимини янги босқичга кўтарди.

Мазкур сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро андозалар ва демократик талабларга тўла жавоб берсада, Президентимиз бу тизимни янада такомиллаштириш таклифини илгари сурди. Жумладан, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида тенг шароитлар яратиш, муддатидан олдин овоз бериш институтини такомиллаштириш, сайловолди ташвиқотини янада тартибга солиш каби меъёрларни қонунчиликка киритиш масаласи қўйилди. Сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги ҳақидаги меъёрнинг жорий этилиши сайловчилар учун депутатликка номзодлар ичидан муносибини танлаш, номзодларни ҳар томонлама ўрганиш, таққослаш, пировардида энг лойиғига овоз бериши учун имконият беради. Бир кун давомида ҳеч қандай ташвиқотнинг бўлмаслиги сайловчи мустақил фикрлаб, чуқур ўйлаб, холис қарор қабул қилишига, муносиб номзод ҳақида бир тўхтамга келишига, ўз фикрини яна бир бор мушоҳада этиб кўришига шароит яратади.

Маълумки, сайловнинг демократик тамойилларга асосан, ошкора ўтказилишида ташвиқот катта аҳамиятга эга.

**Ташвиқот жараёнида сиёсий партиялар ва номзодлар ўзаро ҳурмат асосида, сиёсий маданият доирасида бир-бирига муносабат кўрсатиши талаб этилади.**

Шу маънода, сайлов қонунчилигига бу меъёрларнинг киритилиши сайловларнинг янада демократик асосда ўтишига шарт-шароит яратади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ишлаб чиққан Концепция мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда ўзига хос янги босқични бошлаб бермоқда, айни вақтда, сиёсий партиялар учун катта имкониятлар яратмоқда. Концепция ғоялари Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш асосини мустаҳкамлайди, шунингдек, партиямиз электорати манфаатларига тўла мос келади. Бу эса Президентимизнинг қонунчилик ташаббусини нафақат қўллаб-қувватлаш, балки демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда амалий иштирок этишни тақозо этади.

**Шундай экан, партиямиз ва унинг фаоллари бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра самаралироқ ишлаши, янада ташаббускор бўлиши лозим.**

**Ваколатлар кенгайган сари, шубҳасиз, масъулият ҳам ортиб боради.**

Бугун замон шиддат билан ўзгараяпти. У билан ҳамнафас бўлмаган, унга хос фаолият кўрсатмаган партия етакчиси ва депутат ўз мавқеини йўқотади. Шунинг учун хотиржамликка берилмасдан, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация асосида ривожлантириш жараёнида сидқидилдан иштирок этиш бурчимиздир.



# Тарғибот — фаолиятимизнинг муҳим йўналиши

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Демократик парламентаризм жамиятимиз сиёсий маданиятининг ажралмас қисмига айланаётгани юртимизда фуқаролик жамияти ривожланаётганини кўрсатади. Шундай экан, ўзгариш ва янгиланишларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини халқимизга чуқур тушунтириш, эзгу мақсад йўлида жамоатчиликни сафарбар этиш ғоятда муҳим.

— Концепцияни, аввало, ўзимиз пухта ўрганиб чиқдик, шундан сўнг тарғибот ишларига киришдик, — дея таъкидлади Асака шаҳар партия кенгаши раиси Мўйдинжон Дадажонов. — Концепция асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар Ватанимиз янада равнақ топишига, халқаро обрў-эътибори ортишига хизмат қилади. Тарғиботчилик фаолиятимизда бунга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуманноб Раҳимов, Алишер Тиллабоев, Қўрғонтепа туман партия Кенгаши раиси Зулхумор Каримова ва бошқалар тарғибот ишларини ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш, электорат билан ишлашнинг янги усулларини жорий қилиш бўйича фикр юритишди.

Семинар иштирокчилари, шунингдек, Концепция тарғиботида янги технологияларни қўллаш, партия ташкилотларида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари ишини такомиллаштириш ва уларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш масалаларига эътибор қаратишди. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бу жараёнда партия ташкилотлари ҳамда фаолларнинг иштирокини кучайтириш бўйича таклифлар берилди.

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва муҳокама қилинган мавзулар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш

## *«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради*

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини тўла рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда. Бу эса ўз навбатида жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидланганидек, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши** муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, Президентимиз 2011 йил 14 январда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш соҳасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиш қабул қилди. Унда Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий уюшмаси ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқаси тамойиллари, шакллари ва йўналишларини белгиловчи «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Ушбу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратсак, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ва бошқа давлатларда ижтимоий шерикликнинг моделлари ташкилий-ҳуқуқий механизми орқали фарқланишига қарамасдан, ижтимоий шериклик ғояси ижтимоий-меҳнат муносабатларига чуқур сингиб кетган. Ижтимоий шерикликнинг икки модели маълум — трипартизм ва бипартизм. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг роли катта бўлмаган мамлакатларда (АҚШ, Канада, Буюк Британия) иш берувчилар бирлашмалари ва меҳнаткашлар ташкилотлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик амал қилади. Бундай ижтимоий моделда ижтимоий низолар келиб чиққанда давлат ҳакам ёки воситачи ролида қатнашиши мумкин. Энг ривожланган трипартизм — уч томонлама ҳамкорлик Франция, ГФР, Швеция ва Австрияда мавжуд бўлиб, унда давлат фаол ижтимоий шерик ролини бажаради.

Ўз навбатида, мамлакатимизда ижтимоий шериклик ҳуқуқий асосларининг бугунги ҳолатини ўрганиш мазкур соҳа Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIII боби («Жамоат бирлашмалари»)нинг нормаларида мустаҳкамланганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, 2003 йил 29 августдаги «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида белгиланишича, фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шериклик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида қурилади. Давлат органлари фондларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайдилар, фондларнинг ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашлари мумкин. Шу билан бирга, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фондлар фаолиятига аралашишига, ўз навбатида фондларнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 28-моддасида кўрсатилишича, иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилади ва иш олиб боради. Уларнинг мақсади иқтисодиётни ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда корхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатларда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

**Ўз навбатида, мамлакатимизда ижтимоий шериклик ҳуқуқий асосларининг бугунги ҳолатини ўрганиш мазкур соҳа Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIII боби («Жамоат бирлашмалари»)нинг нормаларида мустаҳкамланганлигини кўрсатади.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 52-моддасида белгиланишича, жамоа келишувларида ижтимоий шериклик ҳамда уч тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган қонун ҳужжатларида фақатгина умумий нормалар ўрнатилган бўлиб, ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг аниқ механизм ва тартиби мавжуд эмас, бу эса қонун ижодкорлари томонидан тегишли ҳуқуқий асослар қабул қилинишини тақозо этади. Хусусан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш ва унда қуйидаги нормалар акс эттирилиши мақсадга мувофиқ:

ушбу қонунда ишлатиладиган асосий тушунчалар тарифини, амалга ошириш механизмини, предметини, ижтимоий шерикликнинг шартномавий-ҳуқуқий шаклини, шунингдек, субъектларини ўз ичига оладиган умумий қоидалар;

қонуннинг мақсади сифатида фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликнинг турли хил шаклларини ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш;

иқтисодий ўзгаришларнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсатини таъминлаш, ижтимоий-меҳнат ва улар билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизмини яратиш, жамият барча қатламларининг манфаатларини объектив ҳисобга олиш асосида жамият барқарорлигига эришиш, жамоавий музокаралар, тарафларнинг икки томонлама консультацияларини ўтказиш, белгиланган тартибда қонунчиликни такомиллаштириш каби вазифаларни белгилаш лозим.

Музокара иштирокчиларининг манфаатларини ҳурмат қилиш ва уларни ҳисобга олиш, шартномавий муносабатларда иштирок этишда келишаётган тарафларнинг манфаатдорлиги, ижтимоий шерикликни демократик асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда давлатнинг кўмаклашиши, ижтимоий шериклар ва уларнинг вакиллари томонидан халқаро нормаларга, қонунчиликка амал қилиниши каби принципларни белгилаш лозим.

Умуман олганда, Концепцияда илгари сурилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал қилишда, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат органларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг тўлақонли ҳуқуқий таянчи бўлиб хизмат қилади.

**Эркин ҲАЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Бош илмий ходими.**

ЎзХДП маҳаллий ташкилотларида

# Фаровонлик омили

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти катта.

ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши, Норин туман партия кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида «Хотин-қизлар ва ёшларнинг иш билан банд бўлишида хонадон томорқаларидан самарали фойдаланиш, кичик иссиқхоналар ташкил этиш тажрибалари» мавзуида ўтказилган амалий семинарда шу ҳақда сўз борди. Мазкур тадбирда партиямизнинг шаҳар ва туман кенгашлари раис ўринбосарлари, туман Кенгаши депутатлари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар ходимлари ҳамда электорат вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб «Чўжа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги томорқалардан намунали фойдаланаётган хонадонларда бўлиб, деҳқончилик тажрибалари билан танишишди.

Зокиржон Йигиталиев хонадонида етиштирилаётган анвойи гуллар, манзарали дарахт кўчатлари киши ҳавасини келтиради.

— 15 йилдан буён шу иш билан шуғулланаман, — дейди хонадон соҳиби. — Аввал шунчаки эрмак учун шуғулланган бўлсам, бугунга келиб бу иш оиламизнинг асосий даромад манбаига айланди. Ўтган мавсумда гулчилик ортидан 20 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик. Ҳозир 100 хилдан ортиқ гул кўчатлари етиштириб, нафақат вилоятимиз, балки қўшни вилоятларга ҳам етказиб бераяпмиз.

Маҳалламизда бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Кимдир ҳунарманд, кимдир новвой, яна кимдир оилавий бизнес билан шуғулланади.

— Бу йил 3,5 сотих ерга редиска ва картошка экдик, — дейди Содиқжон Тошпўлатов. — Ўтган йили редисканинг ўзидан 2 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик. Ишимиз кўламини янада кенгайтириш мақсадида 8 бош қорамол харид қилдик. Баъзи хонадонларда бекор ётган ерларни кўриб, ҳайрон қоламан. Яхши ният билан ҳаракат қилинса, барака ҳам шунга яраша бўлади.

Семинар давомида вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Н.Нуралиева, туман партия кенгаши раиси М.Мирзааҳмедова, туман Кенгаши депутатлари Р.Мирзаолимов, И.Ҳакимов ва М.Бакиров мавзу бўйича фикр-мулоҳаза билдиришди.

Маълумки, ҳозирги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини белгиловчи асосий воситадир. Юртимизда ҳам мазкур соҳа иқтисодиётимиз юксалишида ўзига хос мавқега эга бўлаётир. Шу боис, соҳа имкониятлари ва истиқболларини чуқур таҳлил қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами орасида тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш зарур.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда депутатлар ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан яхшилаш ғоятда муҳим. Бундан ташқари, маҳаллий партия ташкилотларининг замон талаби даражасида ишлаши, бунинг учун партия сафига ёш кадрларни кўпроқ жалб этиш, партиямиз аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билими ва фаоллигини оширишда замонавий таъсирчан воситалардан кенг фойдаланиш лозим.

Семинар якунида хулосалар умумлаштирилиб, партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ҳамда фаоллар зиммасидаги вазифалар белгилаб олинди.

**Санжар ТУРСУНОВ**

# АЗМУ ШИЖОАТ, МАРДЛИК ВА ДОНИШМАНДЛИК ТИМСОЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Соҳибқирон хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бобомиз таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу яна бир бор ўз ифодасини топаётир.

Анъанага кўра 9 апрель — Амир Темур таваллуд топган куни пойтахтимиздаги бобомиз номи билан аталувчи хиёбонда тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти директори, тарих фанлари доктори Амриддин Бердимуродов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони Зулхумор Бобоева, ёш шоир Ғайрат Мажид ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ҳар томонлама чуқур ўрганиш, мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар Амир Темурнинг ҳаёти, ўгитлари, миллий маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодни азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли инсонлар этиб тарбиялашда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида Юртбошимиз таклифига кўра, улуғ аждодимизнинг «Темур тузуклари» асари мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди. Китоб Президентимиз Ислом Каримовнинг сўзбошиси билан очилади. Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ана шу сўзбоши матнини ўқиб эшиттирди.

Йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлида юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлидаги бетимсол ишлар, буюк бунёдкорлик салоҳиятимиз Амир Темурнинг чуқур маъноли ҳикматлари, ҳаётий позицияси билан уйғундир. Зотан, Амир Темур улуғлаган адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг қарор топиши, барқарор тараққиётни таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар қалби ва онгига ватанпарварлик, фидойилик, Ватан келажаги учун дахлдорлик, маънавий бедорлик, огоҳлик ва ҳушёрлик туйғуларини чуқур сингдириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, маънавий-маърифий соҳаларни изчил ривожлантириш каби эзгу ғоя ва тамойиллар бугун мустақил юртимиз миллий тараққиёт йўлининг устувор йўналишларидандир.

— Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур ҳақида тарихий адолат қарор топди, — деди Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Франсуа Готье. — Соҳибқироннинг давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш ҳали-ҳамон дунё тарихчилари учун улкан ва бой мавзудир. Шундай буюк инсонлар етишиб чиққан Ўзбекистон замини бугун шунга муносиб равишда ривожланиш босқичларидан дадил бормоқда. Бугун мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бораётган алоқалар Амир Темур даврида асос солинган ҳамкорлик ришталарининг мантиқий давомидир.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

✧✧✧

***Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда олимлар, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.***

***Тадбир доирасида музейда Темурийлар давлатининг дипломатик муносабатларига бағишланган кўргазма ташкил этилди.***

***Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.***

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

## Кенг имкониятлар намойиши

Нукус шаҳрида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперацион биржа бўлиб ўтди. Унда Оролбўйидаги йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари иштирок этди.

Ярмаркада 18 хорижий фирма ва компания вакиллари Оролбўйи тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан яқиндан танишдилар.

Ярмарка давомида умумий қиймати 2 миллиард сўмликдан ортиқ элликдан зиёд шартнома тузилди.

# Ўзбекистон — француз олимлари нигоҳида

Яқинда Франциянинг нуфузли нашриёти давлат ва жамоат арбоби, дипломат ва қатор илмий асарлар муаллифи профессор Жак Барра ҳамда иқтидорли олимлар Колинь Ферро ва Шарлоть Ванг томонидан ёзилган «Ўзбекистон геосиёсати (Geopolitique de l`Uzbekistan. — Paris, Edition SPM, 2010. — P.217.)» номли асарни чоп этди. Унда Ўзбекистоннинг жўғрофий ўрни ва тарихи, бугунги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳолати теран таҳлил этилган. Мамлакатимиз эришган ютуқлар ва уларнинг омиллари холис баҳоланган. Шу билан бирга, мазкур китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида баён қилинган ғоялар ҳам ўз аксини топган. Шу боис, ушбу нашрни Франция илмий доиралари ва кенг китобхонлар катта қизиқиш билан кутиб олди. Китобга Франция Сенатининг собиқ раиси, собиқ вазир Кристиан Понселье сўзбоши ёзган.

XX асрнинг охирги ўн йиллигида социалистик лагернинг парчаланиши ва Совет Иттифоқининг қулаши оқибатида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар ва геосиёсий қарашлар тизимига кучли таъсир кўрсатди. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон, шубҳасиз, бу тизимнинг энг асосий халқасидир.

**Ўтган йигирма йил давомида мустақил Ўзбекистонда сифат, мазмун ва кўлам жиҳатдан фахрланишга арзигулик улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Бу демократик янгиланишларни жаҳонда содир бўлаётган жараёнлардан мутлақо ажратиб бўлмайди. Зотан, Марказий Осиё ва унинг юраги бўлган Ўзбекистон ҳамиша жаҳон сиёсатининг бир бўлаги сифатида эътироф этилган.**

Бугунги кунга келиб мамлакатда ғоят қисқа муддат ичида эришилган ютуқлар, унинг геосиёсий жойлашуви, демографик ва этнографик хусусиятлари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш кўрсаткичлари ва бошқа жиҳатларига қизиқиш кескин кучайиб кетди. Бу соҳада кенг ахборот-таништирув ишлари олиб борилаётган бўлса-да, аниқ ва холис, таҳлилий ахборотга эҳтиёж ҳануз сақланиб, ҳатто борган сари ортиб бормоқда.

Франциянинг таниқли олимлари Жак Барра, Колинь Ферро ва Шарлоть Вангнинг «Ўзбекистон геосиёсати» асари, аввало, ана шу эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган асар, дейиш мумкин. Мазкур китоб, Франция Сенатининг собиқ раиси, собиқ вазир Кристиан Понселье тўғри таъкидлаганидек, ҳам чуқур илмий мушоҳада, ҳам геосиёсий реализмни ўзида омухталаштирган ўзига хос асардир. Уни мамлакатимиз тўғрисида хорижда яратилган энг етук асарлардан бири сифатида талқин этиш мумкин.

Китоб кириш, ҳар бири бир нечта фаслларни ўз ичига олган 8 та бўлим ва хулосадан иборат. Матнлар 26 та жўғрофий, тарихий ва геоиқтисодий харита, 51 та иқтисодий, савдо, демографик ҳамда ижтимоий кўрсаткичларни тасвирловчи чизма билан бойитилган. Бундан ташқари, энг муҳим таянч сўзларга изоҳлар берилган. Буларнинг барчаси китобнинг мукаммаллигини кўрсатади.

Асар Ўзбекистон ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Кенг омма учун мўлжалланган асарда китобхон мамлакатимизнинг узоқ ва яқин тарихига саёҳат қилади, Буюк ипак йўли бўйлаб Марказий Осиёнинг энг кўҳна шаҳарлари ҳақида тасаввурга эга бўлади. Қадимги салтанатлардан то яқин ўтмишгача бўлган тарих ҳикоясини ўқийди. Китоб нафақат қисқа ва мазмунли баёни, балки таҳлилий мушоҳадалари билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистоннинг жўғрофий ўрни ва тарихига оид умумий маълумотлардан сўнг, бугунги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳолати теран таҳлил этилган. Мамлакат эришган ютуқлар ва уларнинг омиллари холис баҳоланган.

Муаллифларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг геосиёсий тавсифи қуйидагиларда ўз аксини топади: тўғридан-тўғри денгиз йўлига чиқа олмаслиги, қўшни давлатларга нисбатан аҳолисининг кўплиги, қўшни давлатлар билан умумий чегарага эга бўлган ҳолда Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашгани, соғлом иқтисод ва босқичма-босқичлилик тамойилига асосланган оқилона иқтисодий сиёсат, минг йиллар давомида маданиятлараро тамаддуннинг қарор топгани, анъанавий «катта ўйинлар» майдони ва прагматик миллий дипломатия.

Китобда соғлом иқтисод барқарор тараққиёт ва ижтимоий фаровонлик гарови сифатида атрофлича мушоҳада этилган. Мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари кенг ёритилган. Шу маънода, асар хорижий сармоядорлар учун мўъжаз глоссарий вазифасини ўтайди. Ўзбекистон халқининг урф-одатлари, тарихий шаҳарлари ва топонимикаси, этнографик қиёфаси, тили ва шевалари, умуман, маданий хилма-хиллигини тасвирловчи мазкур китоб юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар учун бебаҳо йўл кўрсаткич бўла олади.

Ижтимоий жараёнлар онтологияси сифатида Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришларнинг ҳар томонлама кенг ва чуқур таҳлилини ўзида акс эттиради. Ҳозир мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш борасида муаллифлик қарашлари илгари сурилади. Энг муҳими, муаллифлар Ўзбекистондаги мавжуд муаммоларни шунчаки айтиб ўтишмайди, балки уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам асослашга ҳаракат қилади.

Асарнинг биринчи бўлимидаёқ Ўзбекистондаги энг долзарб экологик муаммоларга эътибор қаратилган. Колхозлаштириш, совхозлаштириш, пахта монокультураси, улкан электр таъминоти иншоотларини кўр-кўрона режалаштириш, «биз табиатни бўйсундирамиз» деган мафкуравий ақидалар охир-оқибат бугунги экологик офатларни келтириб чиқаргани қатъий таъкидланган. Улкан ГЭСлар қуриш фикридан қайтмаган қўшни давлатлар мозий хатосини қайтармасликка даъват қилинган.

Китобнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унда ҳар қандай иқтисодий тараққиётнинг ижтимоий оқибатлари, жумладан, салбий ва айни пайтда, табиий оқибатлари ўзаро уйғунликда, бир бутунликда илғор ғарбона илмий-таҳлилий услубда ва ёндашувда тушунтириб берилган.

Муаллифларнинг XXI аср Буюк ипак йўлининг қайта жонланиш даври экани тўғрисидаги фикрларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Зеро, Ўзбекистоннинг бу борада тутган ўрнини инкор этиб бўлмайди.

Ўзбек дипломатияси олдида қатъий ва айни пайтда, прагматик вазифаларнинг навбатдаги янги ечимлари турибди. Башорат қилиниши мумкин бўлган геосиёсий жараёнлар оқимида у яна бир қатор катта синовлардан ўтиши лозим. Мен Ўзбекистоннинг Франциядаги биринчи элчиси сифатида муаллифларнинг бу борадаги фикрларига қўшиламан ҳамда уларнинг ўзбек дипломатиясига берган ижобий баҳосини қадрлайман.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ушбу китоб Ўзбекистон тўғрисида аниқ ва холис илмий-таҳлилий ва статистик маълумотларни ўзида жамлаган қомусий асардир. У нафақат француз тилида сўзлашувчи, балки бошқа халқлар учун ҳам бебаҳо манба сифатида алоҳида эътирофга сазовордир.

Китоб нафақат илмий жамоатчиликни, балки француз халқини ўзбек халқига янада яқинлаштиришига, халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона алоқаларни янада ривожлантиришига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

**Мазкур китобнинг яна бир муҳим ижобий хусусияти унинг қиёсий-солиштирма усулда ёзилганидир. Муаллифлар у ёки бу ҳодисалар ва воқеалар баёни ёки таҳлилида Ўзбекистон ва Ғарб давлатлари мисолида қиёсий чизгилардан фойдаланади. Масалан, Ўзбекистон Конституцияси Франциянинг V Республика Конституцияси билан қиёсланади ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон муаммосининг ечими тўғрисидаги қарашлари Франция Президенти Шарль Де Голлнинг Вьетнам муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги қарашларига таққосланади.**

**Акмал САИДОВ,**
**профессор.**

## Билимни мустаҳкамлаш, бандликни таъминлаш

*ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Шаҳрисабз бўлимида коллеж ўқувчиларига амалий кўникма берилмоқда*

Ҳар биримиз фарзандларимиз ҳаётда ўз ўрнини топишини истаймиз. Уларнинг ўқиши, одамларга нафи тегадиган касбни эгаллаши учун барча шароит яратилган. Ўғил-қизларимизнинг келажакда қандай касб танлаши ва шу касб сир-асрорлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлиши муҳимдир.

Маълумки, бандлик дастурига кўра, жорий йилда 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш, жумладан, 450 минг нафардан ортиқ касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш кўзда тутилган.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришни такомиллаштириш мақсадида барча банклар олдига аниқ вазифалар қўйилган, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Шаҳрисабз филиали бошқарувчиси Абдуғаффор Каримов. — Шундан келиб чиқиб, банкимиз тумандаги иқтисодиёт коллежи билан ҳамкорлик ўрнатди. Коллеждаги ўқув жараёни билан яқиндан танишдик. 182 нафар ўқувчининг банкимизда амалиёт ўташи учун битим туздик. Молия ва банк иши бўлимларида таълим олаётган 20 нафар ўқувчи банк фаолияти билан танишиб, амалий кўникмаларини ошираяпти.

Шу боис, касб-ҳунар коллежларида таълимни бевосита амалиёт билан боғлаш муҳим аҳамият касб этади. Натижада корхона, ташкилот ва хусусий фирмалар билан таълим муассасалари ўртасида кадрлар тайёрлаб бериш бўйича ҳамкорлик кучаяди. Масалан, банкимиз мижозлари орасида яхши ҳисобчига муҳтож кичик корхона, хусусий тадбиркорлар анчагина. Фақат уларга иш биладиган, ҳисоб-китобни, пул кўчириш ва ҳисобот тайёрлашни яхши ўрганган мутахассислар керак. Биз уларга банкимизда амалиёт ўтаётган ёш мутахассисларни тавсия қилаяпмиз.

**Дилруҳ МУРОДОВА,**
*Шаҳрисабз иқтисодиёт коллежи молия бўлими ўқувчиси:*

— Учинчи босқич ўқувчисиман. Ҳадемай битираман. Банкка келиб, компьютерда ишлашни, ҳисоб-китоб ҳужжатлари тузиш, пул кўчириш ва бошқа жараёнларни астойдил ўрганаяпман. Ишлашни, оилам ва жамиятга фойдам тегишини жуда истайман.

**Нурали БОЙМАТОВ,**
*«Ўктам нур» кичик корхонаси бошлиғи:*

— Корхонамизга коллеж битирувчиларидан бирини ҳисобчи лавозимига ишга қабул қилдик. Чунки биз банк билан кўп йиллик ҳамкормиз.

Айни пайтда мазкур банк 10 мингдан ошиқ мижозга хизмат кўрсатмоқда. Бу йил жойларда коммунал тўловларни қабул қилувчи кўплаб банк шохобчалари очилмоқда. Уларнинг ҳаммасига ҳисобчи-мутахассис керак. Бу эса соҳада яхши билим ва амалий кўникмага эга ёшлар муносиб иш топишига хизмат қилади.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Янгилик**

## Бутловчи қисмларни ёшлар тайёрлашяпти

Хонобод шаҳридаги «ЎзКоджи» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси жамоаси Асака автомобиль заводида тайёрланаётган замонавий русумдаги автомобиллар учун белгиланган миқдорда электр сим ўтказгичлар етказиб бераяпти.

Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, қўшма корхона ишчи-ходимлари ҳаракати билан бутловчи қисмларнинг сифати дунё андозалари даражасида бўлишига эришилган. Янги дастгоҳлар ва замонавий технологиядан фойдаланиш самара келтирмоқда. Ёшларнинг малакаси ошиб бормоқда.

Қўшма корхона билан коллежлар ўртасида ҳамкорлик шартномаси мавжуд. Унга кўра, бу ерда 150 нафар коллеж ўқувчиси ишлаб чиқариш амалиётини ўтаяпти. Битирувчиларнинг аксарияти келгусида қўшма корхонада ўз фаолиятини давом эттиради.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

# Оҳангларга кўчган орзулар



Мусиқа ва математика... XX аср ўрталарида математика фани дарғаси, академик Тошмуҳаммад Саримсоқов ноёб истеъдоди ва юксак интеллектуал салоҳияти билан бутун дунёни ҳайратга солган бўлса, XXI асрда унинг невараси Тамилла Саримсоқова жаҳон мусиқа осмонида ёрқин юлдуз бўлиб чарақлади.

2000 йилда В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига кириш имтиҳонларида куйнинг нозик қирраларини ҳис эта олиш қобилиятини намоён этган Тамилла лицейнинг фортепьяно бўлимига қабул қилинди. У саккиз йил давомида мусиқа, хусусан, фортепьяно сир-асрорларини қунт билан ўрганди.

**2003 йилда ёш Тамилла Саримсоқова илк бор «Санъат ғунчалари» кўрик-танловида совриндор бўлиб, мамлакатимизда фортепьяно бўйича яна бир талант эгаси пайдо бўлаётганини намойиш этди. Бир йилдан сўнг Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида «Туркистон» камер оркестри билан биргаликда машҳур бастакор И.Гайдннинг «Ре мажор» асарини ижро этди. 2006 йилда ўзининг бетакрор санъати билан энди бутун Европани лол қолдирди.**

Ўша йили Италиянинг Агрополи шаҳрида ташкил этилган Халқаро пианиночилар танловида 1-ўринга сазовор бўлди. Икки йилдан сўнг Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган мана шундай мусобақада ҳам унга тенг келадигани йўқ эканлигини исботлади. Берлиндаги Олий мусиқа мактаби профессори Юрген Шрёдер унинг чиқишига шундай таъриф берган эди: ***«Тамилла Саримсоқова дунёдаги жуда қобилиятли, ёш пианиночилардан бири эканлиги кўриниб турибди».*** Бундан ташқари, Грециянинг Санторини шаҳрида ўтказилган ёш мусиқачилар беллашувининг ғолибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон ва Тамилла Саримсоқова номи ҳам янгради.

2008 йилда у Мунира Турсунхўжаевадан ноёб мусиқа асбоби — орган ижрочилигини ўргана бошлади. Шу ўринда орган ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. У XIV асрда Ғарбий Европада дунёвий чолғу асбоби сифатида кенг тарқалган. Тузилиши жуда мураккаб бўлиб, турли ўлчамдаги трубалар тўплами, пневматик тизим ва бошқариш минбаридан ташкил топган. Буюк бастакор Моцарт уни «Чолғу асбоблари қироли» деб атаган эди.

2010 йил 29 август куни В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биносига ташриф буюрган Президентимиз бу ерда таҳсил олаётган истеъдодли ўқувчилар билан учрашди. Айнан ўша учрашувда Тамилла Саримсоқова севимли орган мусиқа асбобида Бахнинг «Токката ре минор»ини ижро этди.

— Ўша куни учрашувда, — **дейди Тамилла**. — Юртбошимиз сизларга бутун дунё қизлари ҳавас қилсин, деганларида қалбим фахр-ифтихорга тўлди.

2011 йил 5 март. Юртимизда истеъдодли ёш қизлар учун таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг навбатдаги лауреатлари номи эълон қилинди. Улар орасида Тамилла Саримсоқова ҳам бор эди.

— Ўтган йили бундай эътирофга лицейимизнинг яна бир ўқувчиси Нодира Дадамуҳамедова сазовор бўлганди, — **дейди В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова.** — Бу йил ҳам айнан бизнинг ўқувчимиз санъат йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритди. Бу бежиз эмас, албатта. Тамилланинг бу каби муваффақиятларга эришишида унинг устози Л.Флорентьеванинг ҳиссаси катта.

Тамила Саримсоқованинг орзулари бисёр. У оҳангларга кўчган миллат овозини бутун дунёга тараннум этишга чоғланган.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Инсон хотираси азиз

## Шеърият байрами

Наманганда Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла ижодига бағишланган адабиёт кунлари бўлиб ўтди. Унда адибнинг шогирдлари, мухлислари, адабиёт ихлосмандларининг дил сўзлари шеърият байрамига, мушоирага уланди. Санъаткорлар шоир шеърлари билан айтилувчи қўшиқлар гулдастасини тақдим қилишди. Шундай маърифий тадбирлар муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги 2-академик лицей ва Наманган санъат коллежида ҳам давом эттирилди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тадбир

## Молиявий ресурсларнинг ишончли манбаи

Президентимизнинг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида республика Марказий банки ва Молия соҳасини ривожлантириш агентлиги Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди билан бирга, «Аҳоли жамғармалари мобилизацияси» мавзусида амалий семинар ташкил этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур қарорда аҳоли ва хўжалик субъектлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш орқали 2011-2015 йилларда аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини 2,5 мартага ошириш белгиланган.

Мазкур вазифани ҳал этиш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Зеро, аҳоли омонатлари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ҳамда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда энг барқарор ички ресурс манбаларидан биридир. Шу боис мамлакатимиз раҳбарияти ва тижорат банклари томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, тижорат банклари томонидан ҳар томонлама манфаатли бўлган 400 дан ортиқ омонат турлари жорий этилган, молиявий маблағлар, давлат томонидан кафолатланган, улар юзасидан маълумотларнинг сир сақланиши ҳимояланган, омонатлардан олинган даромадлар эса солиққа тортилмайди.

Семинарда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалар фондининг экспертлари республикамизда аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилинишида катта ишлар амалга оширилганлигини қайд этиб, бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган омиллар бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбирда билдирилган тавсияларнинг амалга оширилиши республикамизда аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига янада кенг жалб қилинишини таъминлашга ҳамда аҳолининг банк тизимига ишончининг янада ошишига хизмат қилади.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!»

### *республика кўрик-танлови*

*Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуғ неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.*

*Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз, Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.*

*Халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси*

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» республика кўрик-танловини эълон қилади.*

**Танлов уч босқичда ташкил этилади:**

**I босқич** — 2011 йил 15 апрелдан 1 июлгача
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.
**II босқич** — 1 июлдан 20 июлгача
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.
**III босқич** — 20 июлдан 10 августгача
Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.

***Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мутасадди ташкилотларнинг тавсиялари асосида профессионал, ҳаваскор якка ижрочилар ҳамда бадиий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга. Танлов ғолиблари учта йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.***

**Биринчи ўрин учун**
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.) Энг кам иш ҳақининг 320 баробари миқдорида.
**Иккинчи ўрин учун**
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.) Энг кам иш ҳақининг 220 баробари миқдорида.
**Учинчи ўрин учун**
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.) Энг кам иш ҳақининг 110 баробари миқдорида.

Танловда ғолиб бўлган қўшиқлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона. Тел.: 239-43-73.**

Спорт

## Иккита олтин, учта бронза!

Абу-Дабида дзюдо бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида спортчиларимиз 2 та олтин, 3 та бронза медалларини қўлга киритишди ва 40 га яқин давлат вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгаллашди.

Дзюдочиларимиз тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаси — «Лондон олимпиадаси — 2012»га рейтинг очколари берувчи қитъа чемпионатида муваффақиятли қатнашишди. Абдулла Тангриев (+100 кг) ва Рамзиддин Саидов (100) ўз вазн тоифаларида олтин, Габит Есимбетов (60), Мирзоҳид Фармонов (66) ва Дилшод Чориев (90) бронза медаллари билан тақдирланишди. Шунингдек, чемпионатда 7-ўрингача эгаллаган қатор спортчиларимиз рейтинг очколари тўплашди.

## Сабинанинг ғалабаси

Тошкентда теннис бўйича қизлар ва ўсмирлар ўртасида АТР туркумига кирувчи халқаро мусобақа якунланди

Йилдан-йилга нуфузи ошиб бораётган мусобақада иқтидорли теннисчимиз Сабина Шарипова қўш ғалабага эришди. У яккалик мусобақаси финалида иродасини намоён қилди. Биринчи сетда россиялик Варвара Флинга 2/5 ҳисобида ютқазаётган пайтда Сабина учрашувда бурилиш ясади ва 7/6 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи сетда 6/2 ҳисобида устун келган Сабина мусобақанинг бош совринига сазовор бўлди. Шунингдек, Сабина америкалик теннисчи билан жуфтлик мусобақасида ҳам ғолиб чиқди.

## «Бунёдкор», «Насаф», «Пахтакор»

Футбол бўйича мамлакатимиз 20-миллий чемпионатида шу уч жамоа 13 тадан очко тўплаган ҳолда пешқадамлик қилишмоқда.

Мухлисларда катта қизиқиш уйғотган 5-тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Нефтчи» — 3:0, «Машъал» — «Қизилқум» — 0:0, «Навбаҳор» — «Андижон» — 1:1, «Металлург» — «Динамо» — 0:1, «Бухоро» — «Олмалиқ» — 1:0, «Бунёдкор» — «Шўртан» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Пахтакор» — 1:2.

**(Ўз мухбиримиз)**

## «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш»

### *мавзуида очиқ дарс бўлиб ўтди*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг миллий ғоя, маънавият асослари ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчилари Дилфуза Назирова ҳамда Баҳриддин Турдиев бошчилигида миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши бўйича таҳсил олаётган 4-курснинг 16 нафар талабаси икки кишилик гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида Сергели политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига Ўзбекистон тарихи фанидан «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш» ва бошқа турли мавзуларда очиқ дарс ўтишди.



Дарс жараёнида амалиётчи талабалар мавзуни тўлиқ ёритишда тизимли ёндашув, кичик гуруҳларда ишлаш, конференция усуллардан фойдаланишди. Очиқ дарс ноанъанавий усулда бўлиб, ўқувчилар «фуқаро», «депутат» ҳамда «эксперт» гуруҳларига бўлиниб, мавзуни амалиётчилар ёрдамида таҳлил қилишди. Эътиборли жиҳати, ўқувчиларнинг бу мавзуга жиддий тайёргарлик кўргани сезилиб турди.

— Амалиётчи талабаларимизнинг ўзлари тўрт йил давомида олган билимлари, педагог сифатида ўқувчиларга мавзуни қай даражада тушунтира олиши шу каби очиқ дарсларда маълум бўлади, — дейди Дилфуза Назирова. — Айни чоғда амалиётчи ўзига тегишли хулосалар чиқариб олади. Ўз мутахассислиги бўйича изланиш, бугунги кун талабидан келиб чиқиб янги педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишга ундайди. Ўқувчиларнинг психологиясини ўрганиб, уларга индивидуал даражада билим бериш кераклигини билиб олади.

— Ҳозир таълим муассасамизда 106 нафар ўқитувчи-мураббий 8 та йўналиш бўйича 1725 нафар ўқувчига таълим-тарбия беради, — дейди коллеж директори Хайрулла Қорабоев. — Ташаббускор, ижодкор педагогларни аниқлаш ҳамда улар тажрибасини оммалаштиришда очиқ дарсларнинг ўрни беқиёс. Бу дарслар ўқитувчидан замонавий таълим самарадорлигини оширишни, янги педагогик технологиялар — интерфаол усуллардан, кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланишни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, очиқ дарсларни ўтказиш ҳам амалиётчи талабалар, ҳам педагогларимиз, ҳам ўқувчиларимиз учун фойдали бўлди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

**ОБ-ҲАВО 12-13.04. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 28°C | 30°C |
| Самарқанд | 27°C | 32°C |
| Нукус | 25°C | 30°C |
| Қарши | 27°C | 32°C |
| Урганч | 25°C | 30°C |
| Навоий | 27°C | 32°C |
| Фарғона | 23°C | 28°C |
| Бухоро | 27°C | 32°C |
| Андижон | 23°C | 28°C |
| Наманган | 23°C | 28°C |
| Термиз | 27°C | 32°C |
| Жиззах | 27°C | 32°C |
| Гулистон | 27°C | 32°C |
| Тошкент вил. | 27°C | 32°C |
| Лондон | 8°C | 7°C |
| Париж | 10°C | 6°C |
| Москва | 0C | 0°C |
| Мадрид | 10°C | 10°C |
| Пекин | 10°C | 11°C |
| Гонгконг | 20°C | 20C |
| Рим | 8°C | 11°C |
| Анқара | -2°C | 2°C |
| Токио | 7°C | 8°C |
| Стокгольм | 3°C | 3°C |
| Кейптаун | 16°C | 15°C |
| Қоҳира | 9°C | 9°C |
| Гавана | 21°C | 22°C |
| Вашингтон | 16°C | 17°C |

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko`chasi, 32-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 449
18968 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 23.10

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5